

# НУРСУХ НАСОСИ ҚАЙТА ШАЙЛАНАДИ

Ўзбекистон туманида қишлоқ хўжалиги экирлари ва аҳоли томорқаларини сув билан таъминлашда Нурсух насос станциясининг аҳамияти катта. Уч агрегатга эга бўлган бу станция Катта Фарғона магистрал каналдан сув олиб 90 метр баландликка кўтариб беради.

Нурсух насос станцияси ҳозирги кунда жорий таъмирланяпти, - дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Абдоржон Холиқов. - Келаси йилнинг январь ойида бошқармамиз ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобидан таъмирлашга қўшимча 15 миллион сўм ажратилади.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,  
Сирдарё-Сўх ИТХБ матбуот котиби

**манба:** [www.water.gov.uz](http://www.water.gov.uz)